

ISSN
2181-2128

2021
v сон



"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"
илмий электрон журнали

"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"
научно-электронный журнал

"LOGISTICS AND ECONOMY"
scientific-electronic journal

www.economyjournal.uz

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатига киритилган.



ТАҲРИИЯТ КЕНГАШИ

Таҳриият Кенгаши раиси

Муҳиддин Бахритдинович Калонов

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

Таҳриият Кенгаши раиси ўринбосари

Комил Раббимович Хотамов

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир

Фахриддин Икромович Исаев

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Таҳриият Кенгаши аъзолари:

и.ф.д., акад. Каландар Ходжаевич Абдурахманов

и.ф.д., проф. Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов

т.ф.д., проф. Кунгратбай Авазимбетович Шарипов

и.ф.д., проф. Одил Қаландарович Абдурахманов

и.ф.д., доц. Мансур Пўлатович Эшов

и.ф.д., проф. Гулнора Каландаровна Абдурахманова

и.ф.д., проф. Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев

и.ф.д., проф. Нодир Хосиятович Жумаев

и.ф.д., проф. Тулқин Хайитмуродович Фарманов

и.ф.д., проф. Алишер Жўраевич Тўйчиев

и.ф.д., проф. Адҳам Азизович Фаттахов

и.ф.д., проф. Садридин Каримович Худойқулов

и.ф.д., проф. Султонали Умаралиевич Мехмонов

и.ф.д., проф. Шойзоқ Раҳматович Холмўминов

т.ф.д., проф. Алимжон Ахмаджонович Рискулов

и.ф.ф.д.,(PhD) Kliment Lazarashvili (АҚШ, Жоржия ХУ)

и.ф.д., проф. Hermann Sterzinger (Германия, Мюнхен ТУ)

и.ф.д., проф. Masato Hiwatari (Япония, Токио ХУ)

и.ф.д., проф. Михаил Исакович Кутер (Россия Федерацияси, Кубан ГУ)

и.ф.д., проф. Sung Dong Ki (Корея, Сеул МУ)



и.ф.д., проф. Татьяна Борисовна Леберьт (Россия Федерацияси, Урал ГНТУ)
и.ф.д., проф. Зият Ниязович Қурбанов
и.ф.д., проф. Шахноза Жасуровна Эргашходжаева
и.ф.д., проф. Акром Абдиевич Хошимов
и.ф.д., проф. Расул Олимович Холбеков
и.ф.д., проф. Актам Усманович Бурханов
и.ф.д., проф. Баходир Акрамович Хасанов
и.ф.д., проф. Каримжон Бакиджанович Ахмеджанов
и.ф.д., проф. Неъматулла Фатхуллаевич Каримов
и.ф.д., проф. Олим Мамаюнович Пардаев
и.ф.д., доц. Бегматжон Юлдашалиевич Мақсудов
и.ф.д., доц. Нурбек Кадирович Ризаев
и.ф.д., доц. Жаҳонгир Жалолдинович Урмонов
и.ф.д., Исламбек Машарипович Ниязметов
и.ф.д., доц. Нодира Баходировна Абдусаломова
и.ф.н., проф. Шахло Тургуновна Эргашева
и.ф.н., доц. Норбута Эшназарович Бабахалов
и.ф.ф.д (PhD), доц. Мунис Қурбонович Абдуллаев
и.ф.ф.д., проф. Одилжон Собирович Абдураззаков (Германия, Кёльн БМ)
и.ф.ф.д (PhD). Бобир Ортиқмирзаевич Турсунов
и.ф.ф.д (PhD). Мақсуд Сувонқулович Рустамов
и.ф.ф.д (PhD). Илҳом Фиёзович Кенжаев
т.ф.ф.д (PhD). Ботир Инатович Абдуллаев

Масъул мұхаррир

и.ф.д., доц. Гулнора Мардиевна Шадиева

Веб-администратор А.Маматов

"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"

илмий электрон журнали

2021 ЙИЛ

5 СОН

МУНДАРИЖА:

Davlatov S.S.	<i>Zamonaviy sharoitlarda oliy ta'limgan sifatini baholashni o'rganish: Polsha Respublikasi misolida</i>	6
Odilova S.S.	<i>O'zbekistonda meva sharbatlari brendlari raqobati tahlili</i>	14
Ostanov K.A.	<i>Mahalliy oliy ta'limgan muassasalarining mintaqaviy iqtisodiy o'sishga ta'siri</i>	21
Sindarov F.Q.	<i>Global Covid-19 pandemiyasining Markaziy Osiyo mamlakatlari moliyaviy-iqtisodiy holatiga salbiy ta'siri</i>	27
Tursunov U.S.	<i>Improving the audit of leasing operations in leasing companies of the Republic of Uzbekistan</i>	38
Адашалиев Б.В.	<i>Тижорат банклари томонидан кредитга лаёқатлиликни аниқлашнинг айрим жиҳатлари</i>	46
Азимов С.С.	<i>Камерал солиқ текширувини амалга оширишда ташқи манба маълумотларидан фойдаланишнинг афзалликлари</i>	52
Акрамов Б.М.	<i>Ўзбекистонда баҳолаш фаолиятини такомиллаштириш ва барқарор ривожлантириш</i>	58
Атажанов М.К.	<i>Велотранспорт инфратузилмасини шаҳар кўча-йўл тармоқлари юкланишини камайтиришдаги аҳамияти</i>	65
Атаниязов Ж.Х.	<i>Формирование приоритетных направлений развития исламских финансов в Республике Узбекистан</i>	71
Убайдуллаева Г.	<i>Тижорат банклари активлари ризк даражасининг кредит портфели сифатига таъсири</i>	78
Боймуротов С.Р.	<i>Мамлакатимизда маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда солиқлар ўрнини ошириш масалалари</i>	88
Болтаев Ш.Ш.	<i>Инновацион иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида тежамкорликка эришиш ва самарадорликни oshiishi масалалари</i>	96
Гулматов Ж.Р.	<i>Камерал солиқ текшируви солиқ назоратининг самарали тури</i>	102
Джураева Д.Д.	<i>Инновацион хизматлар кўрсатиш самарадорлигини oshiishi тизимили бошқариш модели</i>	106
Зайнутдинов И.С.	<i>Жорий молиявий активларни бошқариш тизимини такомиллаштириш</i>	116
Закирова У.М.	<i>Бизнес-режа ишлаб чиқиш йўллари хусусида</i>	121
Зиявийтдинов Ҳ.	<i>Ресторан хизматлари рақобатбардошлигини ошириш масалалари</i>	128
Ибрагимова И.Р.	<i>Ўзбекистонда молиявий ҳисботларни халқаро стандартлар асосида тақдим этиш хусусиятлари</i>	133
Избосаров Б.Б.	<i>Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш масалалари</i>	140
Йўлдашова Г.	<i>Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмлари тизимини такомиллаштириш</i>	146



V СОН. 2021

РЕСТОРАН ХИЗМАТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Зиявитдинов X.
Бухоро давлат университети

Аннотация: Мақолада хизматлар соҳасининг мамлакат миллий иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти ёритилган. Ресторан хизматлари кўрсатишнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш масалалари ўрганилган. Бу борада илғор хориж тажрибаси ўрганилиб, овқатланиш корхоналарида рақобатбардошликни таъминлаш омиллари кўрсатилган. Шунингдек, ресторан хизмати кўрсатишида сифат ва рақобатбардошликни ошириш бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, рақобат, рақобатбардошлик, сифат, ресторан, бозор, диверсификация, модернизация.

ISSUES TO IMPROVE THE COMPETITIVENESS OF RESTAURANT SERVICES

Ziyaviddinov H.
Bukhara State University

Annotation: The article covers the role and importance of the services sector in the national economy of the country. The issues of increasing the quality and competitiveness of the provision of restaurant services have been studied. In this regard, advanced foreign experience is studied and factors of ensuring competitiveness in catering enterprises are indicated. There are also proposals to improve quality and competitiveness in the provision of restaurant services.

Key words: services sector, competition, competitiveness, quality, restaurant, market, diversification, modernization.

1. Кириш.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида глобаллашув ҳамда интеграцион муносабатларнинг тобора ривожланиб бораётгандиги халқаро ва миллий бозорларла рақобатнинг кескинлашувига олиб келмоқда.

“Билимларга асосланган иқтисодиёт”га ўтиш шароитида хизматлар соҳаси миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайдиган асосий тармоқлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш жаҳондаги барча мамлакатларнинг дикқат марказида бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда ҳам хизматлар соҳасини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш” каби устувор вазифалар белгиланган (Фармон, 2017).

Хизмат кўрсатиш соҳасида овқатланиш хизматлари, хусусан ресторан хизмати рақобатбардошлигини ошириш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда овқатланиш корхоналари ҳажмининг тобора ортиб бораётгандиги билан бирга уларда кўрсатилаётган сервисга талаб ҳам мос равишда ўсиб бормоқда.

Бугунги замонавий шароитларда овқатланиш корхоналарида тақдим этилаётган сервисни янада ривожлантириш, истеъмолчилар талабларини чуқур ўрганган ҳолда ва

унга мос равища ташкил этиш бүгунги күн талаби ҳисобланади. Овқатланиш хизматлари күрсатаётган корхоналар ишини такомиллаштириш мақсадида замонавий ёндашиш талаб этилмоқда, уларни сифатини ва рақобатбардошлигини таъминлаш объектив зарурият касб этиб бормоқда.

Шу сабабли, ресторан хизмати сифати ва рақобатбардошлиги мавзуси бўйича назарий ҳамда амалий маълумотларни таҳлил қилиш, шунингдек ушбу мавзуни янада чуқурроқ тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

2. Адабиётлар шарҳи.

Соҳага оид адабиётларда ресторан хизматлари сифати ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича атрофлича тадқиқотлар амалга оширилган. Иқтисодий адабиётлар ҳамда тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ва мақолаларида рақобатбардошлик категориясининг мазмун-моҳияти, турлари ва шакллари ҳақида батафсил ёритилган. Бироқ ресторан хизматлари рақобатбардошлиги ва уни ошириш бўйича етарлича маълумотлар келтирилмаган.

Иқтисодий адабиётларда рақобатбардошлик тушунчаси мураккаб иқтисодий категория сифатида қаралиб, унинг мезон ва кўрсаткичларини турлича таснифлаш ҳолатлари мавжудлиги қайд этилган. Рақобатбардошликтининг корхона, тармоқ, минтақа ҳамда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги каби шакллари мавжудлиги кўрсатилган.

Портер (2005) рақобатбардошликтининг бозорда ўхшаш товарлар, хизматлар ёки бозор муносабатларининг рақобатлашадиган субъектлари билан тенг равища бозорда ҳаракат қилиш учун маҳсулот, хизмат, бозор муносабатларининг предмети сифатида белгилайди.

Гелвановскийнинг (1998) фикрича, рақобатбардошлик энг умумий маънода иқтисодий рақобат субъекти учун афзалликлар яратувчи хусусиятларга га бўлишдир.

Рубин (2014) эса “рақобатбардошликтининг” таянч тоифасига мурожаат қилиб, рақобатбардошлик деганда, тадбиркорлик бизнеси субъектининг ўз рақобатчиларига қарши туриш ва бундай қарши ҳаракат қилиш қобилиятини эканлигини ҳамда бундай қарши ҳаракат муваффақиятли ёки муваффақиятсиз, нисбатан муваффақиятли ёки нисбатан муваффақиятсиз бўлиши ҳам мумкин деб кўрсатади.

Бугунги кунга қадар ресторан хизматлари бозорида сифат ва рақобатбардошликтин ошириш қандай омиллар таъсирига боғлиқ эканлиги бўйича кўплаб тадқиқотлар бўлганлиги сабабли ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслигига олиб келмоқда.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, гуруҳлаш, танлаб кузатиш ҳамда индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик, тизимли ёндашув, илмий абстракция, мантиқий ёндашув каби услублардан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Рақобатбардошлик корхонанинг тармоқ бозоридаги ўрнини белгиловчи иқтисодий хусусиятларнинг мажмуасини ўз ичига олади. Ушбу комплекс хизматларнинг хусусиятларини, шунингдек, хизмат кўрсатиш бозорида корхонанинг самарали ишлаши учун умумий иқтисодий шароитларни ташкил этувчи омилларни ўз ичига олиши ҳам мумкин.

Рақобат бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми эканлиги уни тадбиркорлик, тижорат ва бошқа фаолият турларининг барча соҳаларида мавжудлигини таъминлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш муаммоси жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларини акс эттиради ва доимий равища дунё мамлакатлари бошқарув ва ишбилармон доираларининг дикқат марказида бўлади.

Корхонанинг рақобатбардошлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлиги бир қисм ва бутун сифатида бир-бири билан узвий боғлиқдир. Корхонанинг маълум бир маҳсулот бозорида рақобатлаша олиш қобилияти тўғридан-тўғри таклиф этилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигига ҳамда корхонанинг рақобат натижаларига таъсир қилувчи иқтисодий усувларига боғлиқ.

Замонавий иқтисодиётнинг ривожланишидаги асосий тенденция-бу ноишлаб чиқариш соҳасининг улушкини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасининг моддий-техник базасини фаол ахборот ҳамкорлиги, шу жумладан ахборот технологияларини

ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг умумий глобаллашуви орқали сифат жиҳатидан ўзгартериш ҳисобланади.

Бугунги кунда ресторан бизнесининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги, тадбиркорлардан узоқ муддатли омон қолиш стратегиясини режалашириш ва тез ўзгарувчан муҳитга мослашиш муҳимлигини талаб этмоқда. Рақобат бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми эканлиги нуқтаи назаридан хўжалик юритувчи субъектнинг асосий хусусияти унинг рақобатбардошлигини сақлаш ва ошириш муаммоси ҳар қандай корхона учун ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Ресторан бизнесини ривожлантириш бўйича янги ғояларнинг пайдо бўлиши, истеъмолчиларнинг талаблари ва замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши туфайли умумий овқатланиш корхонасининг рақобатбардошлигини бошқариш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётининг замонавий шароитида корхона, маҳсулот ёки хизматнинг рақобатбардошлиги ташкилот самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичи бўлиб, корхонанинг бозордаги мавқеи, молиявий ҳолати унга боғлиқдир. Шунинг учун корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш бизнесни ривожлантириш стратегияси ва тактикасида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши даркор.

Овқатланиш хизматлари бозори хизматлар бозорининг бир қисми сифатида ушбу бозорга хос жиҳатлар, хусусиятлар билан тавсифланиш билан бир қаторда бу бозорнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Айнан тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, овқатланиш хизматлари бозорида рақобатбардошлиқ, бошқа хизматлар бозорларидан фарқланади. Овқатланиш хизматлари бозорининг бошқа хизматлар бозорларидан фарқли жиҳати бу бозорда олди-сотди обьекти асосан хизмат эмас, балки таомлар бўлиб, хизматлар айнан таомлар билан бирга олди-сотди қилинади. Таомларнинг сақланиш муддатининг қисқалиги (ёки айримларини умуман сақлашнинг иложи йўқлиги) ҳам бу бозорда рақобатбардошлиқ мезон ва кўрсаткичларининг баҳкалардан фарқланишига олиб келади.

Овқатланиш хизматлари бозорида рақобатбардошлиқ мезонлари комплекс ва хусусий мезонларга ажратилади. Рақобатбардошлиқнинг комплекс мезонлари ҳам икки қисмга гурухли ва умумлашган мезонларга бўлинади. Овқатланиш хизматлари бозорида ушбу гурухларга кирмайдиган "сифат даражаси", "янгилик даражаси", "ахборотлилик", "ижтимоий йўналтирилганлик", "имиж", "истеъмол нархи" каби мезонлардан ҳам рақобатбардошлиқни баҳолашда фойдаланилади (Шарипов, 2017).

Россиялик тадқиқотчилар Чейметова ва Сетенева (2014) овқатланиш корхоналари фаолиятини тадқиқ қилиб, уларда рақобатбардошлиқни таъминлашнинг қўйидаги мезонларини келтиради.

1. Жойлашган жойи; 2. Хизмат кўрсатиш сифати; 3. Бир кишига тўғри келадиган ўртача тушум; 4. Ўриндиқлар сони; 5. Иш вақти, режим; 6. Меню; 7. Интерьер; 8. Машина тўхташ жойи; 9. Таниқлилик; 10. Кўшимча хизматлар.

Муаллифлар ушбу мезонлар орқали ресторанларда кўрсатиладиган хизматлар сифати ҳамда рақобатбардошлигини баҳолайдилар. Ҳар бир мезоннинг ўзига яраша салмоғи келтирилган бўлиб, уларни умумлаштириш орқали корхона рақобатбардошлиги баҳоланади.


Шунингдек, турлиадабиётларда рақобатбардошлиқка кўплаб омилларнинг таъсир ўтказиши қайд этилган. Жумладан, Орлов (2010) рақобатбардошлиқни таъминловчи З гурух омилларни ажратган: 1. Техник-иқтисодий; 2. Тижорий; 3. Норматив- ҳуқуқий.

Шунингдек рақобатбардошлиқни таъминлашнинг ички, ташки ҳамда аралаш омиллари ҳам фарқланади.

Соҳага оид адабиётлар ҳамда илмий тадқиқот натижалари таҳлили асосида ресторан хизматлари рақобатбардошлиги кўрсаткичларининг асосий гурухлари рўйхати шакллантирилди (1-расм).

Меъёрий кўрсаткичлар блоки баҳолаш имконини берувчи кўрсаткичлар тизимини ўз ичига олади. Бунда кўрсатиладиган хизматларнинг белгиланган стандартлар ва талабларга мувофиқлиги баҳоланади.

"Истеъмолчи афзалликлари" кўрсаткичлари блоки эса асосан хизмат сифати ва унинг қийматини истеъмолчилар нуқтаи назаридан тавсифловчи кўрсаткичлардан ташкил топади.



1-расм. Ресторан хизматлари бозорида рақобатбардошлик кўрсаткичларининг асосий гурухлари¹

Иќтисодий кўрсаткичлар блоки хизмат кўрсатиш жараёнидаги молиявий-иќтисодий ҳамда самарадорлик кўрсаткичларни ўз ичига қамраб олади.

“Дифференциация” кўрсаткичлари блоки бозордаги мавжуд рақобатчилар орасида фарқловчи хизмат хусусиятларини баҳолайдиган кўрсаткичлардан иборат бўлади.

Ушбу кўрсаткичлар блоки ресторон хизматлари рақобатбардошлигини аниқ ва мукаммал равишда баҳоламаслиги ҳам мумкин. Бу эса соҳада корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш ва ўз ўрнини сақлаб қолиш муаммоси нақадар мураккаб эканлигини кўрсатади.

Фикримизча, юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар блоки орасидан “Истеýмолчи афзалликлари” блоки кўрсаткичлари энг муҳим саналади. Чунки кўрсатиладиган хизматларни истеýмочи нуқтаи назаридан баҳолаш айни муддаодир. Зеро, маркетингнинг энг асосий тамойилларидан бири – бу “Истеýмолчи – қирол”. Ушбу кўрсаткичлар блоки орқали кўрсатиладиган хизматларни сифат жиҳатидан яхшилашга эришиш мумкин. Пировард натижада эса рақобатбардошликини оширишга эришилади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида айтганда, иќтисодиётни рақамлаштириш ҳамда инновацияларнинг аҳамияти тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитларда ресторон хизматлари сифати ва рақобатбардошлигини ошириш тобора объектив зарурат касб этиб бормокда.

Чунки хизматлар соҳаси миллий иќтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири эканлиги, шунингдек соҳада кескин рақобат муҳитининг мавжудлиги рақобатбардошликини оширишни тақозо этмоқда.

Мавзуга оид адабиётларни ўрганиш ҳамда амалга оширилган таҳлиллар натижасида қўйида келтирилганлар ресторон хизматларининг сифати ва рақобатбардошлигини оширишга ёрдам бериши мумкин:

- истеýмолчининг менталитети ва ҳисобга олган ҳолда потенциал ҳамда охирги мижозларнинг еҳтиёjlари, истеýмол имтиёzlари ва хулқ-атвор хусусиятларини ўрганиш ва баҳолаш;

- рақобатчи корхоналар ва улар томонидан таклиф этиладиган хизматлар ҳамда маркетинг фаолияти ҳақида маълумот тўплаш учун мустақил бозор мониторингини ташкил этиш, шунингдек таҳлил муаммоси моделини ишлаб чиқиш ва рақобатбардошлигини баҳолаш;

- Инновацион хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, бунда илҳор хорижий тажрибани инобатга олиш ва бошқалар.

¹ Илмий адабиётлардаги маълумотлар муаллиф томонидан умумлаштирилди.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Гельвановский М. (1998) Конкурентоспособность в микро-, мезо- и макроуровневом измерениях // Российский экономический журнал. № 3. С. 25-26. / Gelvanovsky M. (1998) Competitiveness in micro-, meso- and macrolevel dimensions // Russian economic journal. No. 3. p. 25-26.

Орлов А.И. (2010) Менежмент. Учебник. -М.: Знание. / Orlov A.I. (2010) Management. Textbook. -M.: Knowledge.

Портер М. (2005) Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость: учебное пособие. М.: Альпина-Бизнес-Букс, С. 142. / Porter M. (2005) Competitive advantage: how to achieve high results and ensure its sustainability: a tutorial. M.: Alpina-Business-Books, p. 142.

Рубин Ю.Б. (2014) Теория и практика предпринимательской конкуренции: Учебник. 4-е издание, переработанное и дополненное. - М.: ООО "Маркет ДС Корпорейшн", с.86. / Rubin Yu.B. (2014) Theory and Practice of Entrepreneurial Competition: A Textbook. 4th edition, revised and enlarged. - M.: ООО Market DS Corporation, p.86.

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон. / Decree (2017) No. DP-4947 of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 "On the Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan".

Шарипов Т.С. (2017) Овқатланиш хизматлари бозорида рақобатбардошлиқ масалалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. №1. / Sharipov T.S. (2017) Competitiveness issues in the food services market. Scientific electronic journal of Economics and Innovative Technologies. №1.

Чайметова В.А., Сетенева О.Н. (2014) Исследование конкурентоспособности сферы услуг. //Вопросы управления. №2. стр. 164-170. / Cheymetova V.A., Seteneva O.N. (2014) Research on the competitiveness of the service sector. // Management issues. No. 2. pp. 164-170.